1991 — 1998

7 МУСТАҚИЛЛИК

ХАБАРЛАР

МАФКУРА ВА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ

Пойтахтнинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида йўлбошчимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан ўзаро мулоқотида илгари сурилган ғояларга бағишланган илмий-назарий семинар бўлди. Профессор Қ. Хоназаров миллий ғоя ва миллий мафкура, ёш авлод тарбияси, ватанпарварлик, дунёвий тараққиёт каби фикрларни ёшлар онгига сингдириш янгича фикрлаш омили экани ҳақида мулоҳаза билдирди. Ректор муовини А. Ҳакимов эса ёшларни куч билимда ва тафаккурда руҳида тарбиялаш профессор-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклашини таъкидлади. Йиғилиш қизғин музокара ва ўзига хос баҳсга айланди.

Гулпошша ЭРГАШХЎЖАЕВА

ХОРИЖДА ҲУНАР ЎРГАНИБ

Хоразмда бунёд этилган шакар заводини фойдаланишга топшириш онлари тобора яқинлашмоқда. Қурилиш бошланган пайтларда маҳаллий 56 нафар йигит Туркияга иш, тажриба ўрганиш мақсадида юборилганди. Улар Бор шаҳридаги шакар заводида қанд лавлагини қабул қилиш, ишлов бериш, маҳсулот тайёрлаш каби мураккаб жараёнларни ўргандилар. Хорижда тажриба орттирган ёшлар шу кунларда Хоразмдаги шакар заводида турли муҳандис-техник юмушларни адо этмоқдалар ва ускуналарни синовдан ўтказмоқдалар.

Рўзимбой ҲАСАН

ЗЎР БАЙРАМ БЎЛАДИ

Бухорода мустақилликнинг 7 йиллик байрамига катта ҳозирлик кўрилмоқда. Давлатга пилла ва дон сотиш шартномалари ортиғи билан бажарилди. Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, «Мармар», «Гуфик-ибн Сино» қўшма корхоналари, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти каби ўнлаб корхоналарда байрамона кайфият. Айёмгача юздан ортиқ объектни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Улар орасида кардиология касалхонасининг 120 ўринли корпуси, соғломлаштириш маркази, ал-Бухорий уй-музейи, 1296 ўринли мактаб, марказий автобекат каби объектлар бор. Бундай ишларга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» жамғармаларининг вилоят бўлимлари, ЎзХДП вилоят кенгаши фаоллари яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ

ҲАСАН-ҲУСАН ВА ЗУҲРА

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида ажойиб хушхабар тарқалди. «Варозун» жамоа хўжалигида яшовчи Худойберди Ҳусинов ва Ирода Очиловалар оиласида бир йўла уч эгизак дунёга келди. Кичкинтойларга таомилга кўра, Ҳасан-Ҳусан ва Зуҳра деб ном берилди. Чақалоқларнинг саломатлиги яхши. Уларга алоҳида ажратилган тиббиёт ходими парвона бўлиб турибди. Хўжалик бошқаруви эса оилага суюнчи сифатида новвос совға қилди.

Музаффар ШАРОПОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 6 август, пайшанба • № 92 (22.329).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Яратувчанликни Яратганнинг ўзи ҳам суяди



«Ўзкейсмаш» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси (Тошкент)



«ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси (Андижон)





«Зарафшон—Нью-монт» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси (Навоий)







Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида қурилган шакар заводи (Хоразм)

Суратларни ЎзА фотомухбирлари олган

Дуо билан эл кўкарар

Кексалар етти рақамида сеҳр бор, дегувчи эди. Мустақилликнинг еттинчи йили мамлакатимиз аҳлининг дилларига ёруғлик бағишлагани таҳririятимизга келаётган хатлардан маълум. Гоҳ назмда, гоҳ насрда битилган мактублар замирида буюк ватан қудрати қад ростлайди.

Қафасдан озод этилган қуш оламни нечоғли теран англагандай, етмиш йиллик мустабид тузумнинг жабрини тотганлар бугунги истиқлолнинг қадрига шунчалик теран етаверади. Илло, шундай бўлгай.

Дуо билан эл кўкарар, деганларидек, нуроний отахонлар дуоси фарзандлар белига қувват, кўзига нур бағишлагай.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғани ўғли Каримов Жаноб Олийларига

Ҳурматли Ислом Каримов!

Мен, 95 ёшга кирган хоразмлик Болта бобо Давлатов Сизга ушбу мактубни ёзмоққа жазм этдим.

Мен шул ёшга кириб, Хива хонлари ва Совет тузуми ҳамда мустақиллик даврини кўрдим. Ўтган тўқсон беш йиллик умримнинг салкам 90 йилини мустақиллик даврига киёс қилсам, ҳаёт уммонининг қанчалар тўфонига дуч келганлигимизни, яъни қатағон деб номланувчи машъум йилларда қанчалаб асл миллатпарвар, ватанпарвар, жасоратда мислсиз ажойиб инсонлар ҳаёт гулзоридан бевақт юлиб ташланиб, хазон бўлдилар ва биз шуларнинг гувоҳи бўлдик. Мен ҳам ушбу даврда — 1937-38 йилда халқ душмани номи билан 2 йил азоб-уқубат тортганлардан бириман.

Дини исломга тобеъ бўлган, қалблари имон нурлари ила мунаввар бўлган буюк Туронзамин мусулмонларининг илтижолари мустажоб бўлиб, Яратганнинг ўзи Сизни мазлум Ўзбекистонни ҳидоят йўлига бошловчи, адолат ва ҳақиқат машъалини баланд кўтаргувчи ҳодирох қилиб, мустақиллик деб аталувчи буюк неъматни ато қилди.

Қанча йиллар дунёнинг бошқа халқларига танитилмасдан зулмат пардалари билан беркитиб келинган жафокаш ўзбек халқининг муқаддас уйи ҳисобланмиш Ўзбекистон Сизнинг жасоратингиз, иродангиз ва керак бўлса, кудр атингиз ва шулар баробарида бир олам меҳрингиз билан қайтадан музайян бўлди. Юртимизнинг мустақил бўлганига 7 йил бўлган бўлса ҳам шу қисқа давр ичида номи ҳеч бир ерда маълум бўлмаган Ўзбекистонни дуё таниди ва тан олди. Юзлаб давлатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо қилиниб, Сизнинг раҳнамолигингиз остида халқимиз учун зарур бўлган барча нарсалар энди ўзимизда чиқарила бошлади.

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли эришилган бебаҳо неъмат ҳисобланган мустақиллик шарофатидан ва Сизнинг аҳли мусулмонларга муруввватингиз туфайли халқимизнинг неча асрлик давом этиб келаётган анъаналари — ўтганларни зиёрат қилиш, Каъбатуллони зиёрат қилиш каби диний маросимлар, Наврўз ва ийд-байрамлар қайта тикланди. Бундан аҳли Туркистон мусулмонлари мамнундурлар. Жаҳонда тинчлик борасида ҳам Сизнинг хизматларингиз бекиёсдир. Айниқса, Сизнинг қалам ростлари ила ёзилган китобларингизни тинчлик, ҳамкорлик ҳақида ёзилган башоратномалар деса бўлар.

Ҳурматли Ислом Каримов! Сизнинг юртимиз маъмурлиги борасидаги хизматларингиз ҳам тарихда зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолгусидир. Она юртимиз Туронзамин бобомиз Амир Темур замонасида гуллаб-яшнаган бўлса, ҳозир Сизнинг даврингизда ҳам янада обод ва маъмур, тинч ва осойишта, қудратли ва кўркам бўлиб бормоқда.

Мен ҳам турли халқ йиғинларида, тўй ва маросимларида қатнашиб тураман ва ҳамиша Сизнинг ҳаққингизга дуои хайр, яъни мустақиллигимиз мустаҳкам бўлсин, юртбошимиз омон бўлсин, умрлари узоқ ва соғ ва саломат бўлиб, дунё тургунча турсинлар деб дуо қилурман.

Ҳурматли Ислом Каримов! Менинг ушбу хатим бетаъма, холис ва самимий. Ёзилган шеъримни Сизга бўлган ҳурматим ва она-юртимга бўлган садоқатим ва мустақиллигимизнинг устуворлигига бўлган самимий шукронам рамзи деб қабул этгайсиз.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром ила
Болтабой ДАВЛАТОВ,
Урганч шаҳри.

МУВАШШАҲ

Азиз ва муҳтарам
юртбошимиз
Ислом Каримовга
бағишлайман

Ноят қилса Аллоҳ бошладим мен ушбу иншони,
Яратганга шукр, дин аҳли кўрди яхши дунёни.
Мурувватли ва ҳомий дини исломнинг қадрдони,
Таниткан оламга бу етти ёшли Ўзбекистонни,
Ижод этган китоби дунёда тинчликнинг достони.

Сарафроз айламақлик мақсадида аҳли оламни,
Ёритди тинчликнинг мақсадида илм ила фанни,
Илм баҳшида олтмиш ёшида ўтказган ҳар онни,
Фалокат панжасидан қутқазиш авлоди одамни,
Равон этмакка тинчлик маснадига аҳли дунёни.

Латиф ва ҳам лазиз ва ҳар сўзинг дардларга дармоним,
Фидо бўлсин Ватан тупроғига бу тандаги жоним,
Муяссар бўлди бизга мустақиллик, йўқдур армоним,
Омон бўлсин шу доно раҳбарим, ҳам Ўзбекистоним,
Шараф-шоним, дил ва жоним, таянчим Ўзбекистоним.

Осойиш пешвоси Ўзбекистон сарваридурсиз,
Тинч, мунаввар эл осмонин моҳи анваридурсиз,
Ҳамжиҳатлик санъатин Сиз чин заргаридурсиз,
Қайта қад ростламиш эътиқодим меъморидурсиз,
Ҳамма дилдин суйиб дерлар Сизни тинчлик посбони.

Муқаддас номингиз ушбу мувашшо ичра жойидур,
Анинг ҳар бир мухаммаси бошида бир ҳарф биноийдур,
Ҳамиша тинчлик деб оҳ урган инсон садойидур,
Мусанниф кекса тўқсон беш яшар бодил фидойидур,
Ёзибон ҳадия қилдим Сизга бу шеъри мутаррони.

Россия — Ўзбекистон музокаралари якунлари бўйича БАЁНОТ

Шу йил 4 август куни Тошкентда Россия — Ўзбекистон музокаралари бўлиб ўтди. Унда Россия мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи, армия генерали А. Квашнин, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б. Пастухов, бошқа алоқадор идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Музокараларда Ўзбекистон томонидан мудофаа вазири Х. Турсунов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, тегишли идораларнинг масъул ходимлари қатнашди.

Афғонистон шимолида вазият кескинлашгани, у ерда толиблар ҳаракати четдан кўрсатилаётган катта мададга таянган ҳолда Афғонистон муаммосини қурол кучи билан ҳал қилишга уриниб, янги ҳужумни авж олдиргани муносабати билан Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан ўзаро манфаатдорлик ва анъанавий очиқ-ошкоралик руҳида батафсил фикр алмашилди.

Жаҳон ҳамжамиятининг БМТ шафеълигида Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари йўққа чиқиши мумкин. Афғон халқининг мамлакат яхлитлигини сақлаб қолиш, миллий тотувликка эришиш, ички муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган хоҳиш-иродаси очиқдан-очиқ инкор этилаяпти.

Афғонистон заминида хунрезлик авж олаётганидан Россия ва Ўзбекистон чуқур ташвишланмоқда. Толиблар ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатмоғи лозим.

Россия ва Ўзбекистон фақат афғонистонликларгина ўз ватани тақдирини ўзлари ҳал этиши, кўп йиллардан буён давом этаётган фуқаролар урушига четдан аралашувларсиз чек қўйиши мумкин, деган фикрга асосланган ҳолда қуролли можарога аралашган барча кучларга мурожаат қилиб, уларни мавжуд муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг тинч йўлини топишга чақиради.

Россия ва Ўзбекистон вакиллари Афғонистон шимолида ҳарбий ҳаракатлар янада авж олишига йўл қўймаслик, Афғонистон инқирозини тезроқ бартараф этишга кўмаклашиш учун Афғонистондаги бир-бирига қарши курашаётган кучлар вакиллари билан дарҳол учрашишга ҳозирдир.

Россия, Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёдаги МДҲга аъзо бошқа давлатлар миллий манфаатлари ва хавфсизлигига бевосита таҳдид солинишига олиб келиши мумкин бўлган Афғонистондаги ҳозирги вазият тўғрисида фикрлашув натижасида томонлар 1992 йил 15 майда қабул қилинган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартномага мувофиқ, ўз ташқи чегаралари хавфсизлигини мустаҳкамлашга доир барча зарур чораларни кўриш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Очиқ мулоқот

Ошкоралик—равшанликдир

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида баъзи мансабдор раҳбарларнинг матбуот, телевидение ва радио ходимлари билан мулоқот қилишдан ўзларини олиб қочишини танқид қилган ва бунинг асл сабабларини изоҳлаб берган эди.

Яхши отга бир қамчи, дейдилар. Юртбошимиз танқидидан тезда хулоса чиқарилди шекилли, ўтган куни «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси раиси Баҳром Носиров Ўзбекистон Миллий матбуот маркази уюштирган очиқ мулоқотга келди. Юзма-юз суҳбат чоғида журналистларга холдинг компаниянинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, асосий фаолияти, устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Бинобарин, бу компания таркибида ҳозир консерва, қуритилган мева, сабзавот, узумчилик ва виночиликка ихтисослашган 27 та фирма, 14 та саноат, 89 та қишлоқ хўжалик корхонаси бор. Ҳар бир фирма таркибида битта саноат корхонаси, 2-3 та хомашё билан таъминловчи корхона мавжуд. Шунингдек, унинг таркибида сервис хизмати, савдо, транспорт, қурилиш, маркетинг ва лойиҳа ташкилотлари ҳам бор. 1997-1998 йилларга белгиланган дастур асосида қайта ишлаш корхоналарини замонавий технологиялар билан таъминлаш учун 64,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя келтирилиши мўлжалланмоқда. Компания 1997 йилда 24,3 миллион доллар миқдоридаги маҳсулотни четга экспорт қилди. Жорий йилда эса 41 миллион 836 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Компанияда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўлами кенг. Лекин шу куннинг юксак талабларидан қаралса, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам оз эмас. Шу боисдан очиқ мулоқотда ўткир ва кескин саволлар ҳам кўп бўлди. Жумладан, ислоҳотлар тўлқини холдинг компаниянинг юқори қатламида кўзга яхши ташланаётганлиги, лекин қуйи босқичда, чунончи, бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда ислоҳотларнинг суст бораётганлиги, янги технологиялар секинлик билан жорий этилаётганлиги, янги техника билан қуролланиш даражаси пастлиги таъкидланди.

Илк бора ўтказилган очиқ мулоқот мамлакат миқёсидаги раҳбарлар билан оммавий ахборот воситалари ходимлари тез-тез учрашиб туришлари зарурлигини яна бир бор кўрсатди. Чунки, бундай мулоқотда ҳар қандай саволга дарҳол ойдинлик киритилади. Бу эса савол берувчи учун ҳам, жавоб берувчига ҳам фойдадан холи эмас. Шу нуқтаи назардан қаралса, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси раҳбарларининг журналистларни очиқ мулоқотга чорлашини табриклаш ва бу тажрибани оммалаштириш муҳимдир.

Норбобо ШАКАРОВ

Бу дунёнинг ишлари

Мозори Шарифга ҳужум қилишмоқчи

Толибон ҳаракати жангчилари уларга қарши курашаётган мухолифатга қарашли йирик марказ — Мозори Шарифга яқинлашиб келмоқдалар. Минтақадан хабар қилишларига кўра, ҳозирги пайтда ушбу шаҳардан атиги 15 километр нарида жанглар бормоқда. Мозори Шариф аҳолиси шаҳарни аста-секин тарк этмоқда. Ўтган якшанба куни толиблар Шимолий Афғонистондаги Жоузжон вилоятининг маркази Шибирғон шаҳрини эгаллаб олишганди. Энди эса Мозори Шарифга ҳужум қилишмоқчи. Толиблардан олинган хабарларга кўра, уларнинг қўшинлари Ҳайратон шаҳри томонга ҳам силжиб бораётир. Айрим хабарларга кўра, покистонлик ҳарбий хизматчилар ҳам толиблар томонида туриб жанговар ҳаракатларда иштирок этаётир.

Мухолифатчи вазир бўлди

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Бирлашган Тожикистон мухолифати вакили Шоди Кабировни қишлоқ хўжалик вазири қилиб тайинлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Давлат раҳбари девонидан хабар қилишларича, республика Конституциясининг 69-моддасига биноан ҳамда Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувликни таъминлаш бўйича келишувга асосан шундай тадбир белгиланди. Яқинда Тожикистон ҳукуматининг кадрлар масаласини кўриб чиқишга бағишланган навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Конституциянинг 18-моддасига биноан мухолифатнинг энг обрўли жанговар қўмондонларидан бири Саломшо Муҳаббатов нефть ва газ қўмитасининг раиси этиб тайинланди. Бошқа мухолифатчи — Маҳаммаджон Давлатов эса қимматли металлар қўмитасининг раиси лавозимини эгаллади. Маҳмадрўзи Искандаров эса фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мудофааси қўмитасининг раиси лавозимига кўтарилди. Тожикистон Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлисида эса яна тўртта мухолифат вакилига турли лавозимлар берилиши кутилмоқда.

Уруш хавфи бор

Ҳамонки, Кашмир муаммоси ҳал бўлмай турган экан, бунинг устига ушбу штатда юз бераётган кескин вазиятни ҳисобга олиб Покистон билан Ҳиндистон ўртасида уруш хавфи борлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу ҳақда журналистлар билан суҳбат пайтда Покистон ташқи ишлар вазири Ғоҳар Айюб Хон хабар берди. Унинг айтишига кўра, ҳатто «совуқ уруш» йилларида Америка билан Совет Иттифоқи ҳам урушга бунчалик яқин бўлишмаган. Вазирнинг айтишига кўра, 50 йил давомида Ҳиндистон билан олиб борилган музокаралар ижобий натижа бермади. Энди муносиб жавоб бериш пайти келди. Қамалда қолган Кашмирга ёрдам зарур.

1991 — 1998 Мустақиллик

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

Рақамлар ҳикоя қилади

■ Мустақиллик арафасида вилоятда 1283 та йирик, кичик, ёрдамчи саноат корхоналари мавжуд эди. Ҳозирда улар сони 1602 тага етди. Айни пайтда вилоятда 70 дан зиёд муҳим маҳсулот турлари ишлаб чиқилмоқда.

* * *

■ Шу кунларда вилоятда 75 та чет эл инвестицияси қўйилган қўшма корхоналар ишлаяпти. Улар йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 1 миллиард 587 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 марта кўп.

* * *

■ 1997 йилда ташқи савдо айланмаси 482,3 миллион АҚШ долларни ташкил этди. Шундан 288,8 миллион доллар экспорт, 194,3 миллион доллари импорт ҳисобланади. Вилоятдан четга асосан пахта толаси, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип газламалар, мева-сабзавот консервалари жўнатилади. Хориждан эса асосан янги қурилаётган корхоналар учун ишлаб чиқариш воситалари келтириляпти.

* * *

■ 1997 йил якуни бўйича вилоятда 1987 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган.

* * *

■ Вилоятда 127 минг гектар пахта, 91,8 минг гектар ғалла майдонлари мавжуд.

* * *

■ Фарғона вилояти аҳолисини табиий газ билан таъминлаш 76,5 фоизни ташкил этади. Аҳолининг 80,1 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Мустақиллик даврида аҳолини табиий газ билан таъминлаш 2 баробарга кўпайди. Вилоятда ҳар йили салкам 600 километр газ қувурлари тортилмоқда.

* * *

■ Ўтган йилнинг ўзида 702,1 минг квадрат метр турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди.

* * *

■ Фарғона вилояти ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан Ўзбекистонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Вилоят ҳудуди мамлакатимиз ҳудудининг атиги 1,53 фоизига тенг бўлишига қарамай, Фарғона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикада Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони жиҳатидан эса биринчи ўринда туради.

* * *

■ Фарғона «Ўзнефтниқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида мустақиллик йиллари нефть маҳсулотларининг ўн бешдан ортиқ янги турлари яратилди. «Ферсол» ва «Ферлита» деб номланган янги пластик ёғлар МДҲ мамлакатлари доирасида ҳам бозори чаққон маҳсулот ҳисобланади.

* * *

■ Вилоят ҳудудидаги 3 та олий ўқув юртида 11,1 минг, 24 та ўрта махсус ўқув юртларида 24,4 минг, 891 та умумтаълим мактабларида 566,6 минг нафар талаба ва ўқувчилар таълим олмоқдалар. Мавжуд 46 та ҳунар техника билим юртида 22,8 минг нафар талаба турли касбларни эгаллаяпти. Вилоят олий ўқув юртларида 43 нафар фан доктори, 404 нафар фан номзодлари таълим бермоқдалар.

* * *

■ Вилоятда 132 та шифохона бор. Улар бир вақтнинг ўзида салкам 20 минг беморни даволаш имконига эга.

* * *

■ Вилоятда 11 та музей, 4 та вилоят аҳамиятига эга театр аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Енгил атлетика бўйича Республика ёшлар терма жамоаларида Фарғонадан 25 нафар спортчи қатнашади.

* * *

■ Чим устида хоккей бўйича «Химик» жамоаси республикадаги спортнинг шу тури бўйича етакчилардан ҳисобланади.

* * *

■ Бокс бўйича ўтган биринчи Ўзбекистон ёшлар ўйинларида Шерзод Хусанов ғолиб чикди. Дилшод Ёрбеков эса Пекинда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон кубоги мусобақаларида иштирок этиб учинчи ўринни эгаллади. Бельгияда бўлиб ўтган қайикда сузиш бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этган фарғоналик А. Реахов 27 та давлат спортчилари орасида биринчи ўринни, Р. Исломов эса иккинчи ўринни эгаллади.

* * *

■ Спортнинг енгил атлетика, қиличбозлик, дзюдо, гимнастика, стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоалари таркибида вилоятдан 12 киши иштирок этади.

* * *

■ Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги олий лигасида Фарғонадан «Нефтчи» ва «Темирйўлчи» жамоалари, биринчи лигада эса учта жамоа мавжуд. Иккинчи лигада 22 та жамоа қатнашади. Республика ёшлик кубоги мусобақасида вилоят терма жамоаси биринчи ўринни олди.

* * *

■ Вилоят ҳокимининг фармойишига мувофиқ болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, маҳаллалар, олий ўқув юртларидаги спорт секциялари учун ҳоким фондидан футбол, баскетбол ва волейбол тўплари харид қилгани махсус маблағ ажратилди. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ҳам ўз жамғармаларидан шу мақсад учун маблағлар ажратдилар.

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маънавий хазинасида Фарғонанинг алоҳида ўрни ва муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда асрлар мобайнида шаклланиб, буюк мазмун ва моҳият касб этган улуғ анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар миллатимизнинг тараққиёт йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Марғилондаги Турғунбой Мирзаҳмедов оиласи атласчи сифатида танилган. Оиланинг кенжаси Қамбарой атласчиликда янада катта ютуқларга эришишни орзу қилмоқда

***

Ёзёвондаги «Ойдин» кичик корхонаси зардўзлари тайёрлаётган маҳсулотлар кўпчиликка манзур. Садбархон Усмонова корхонанинг пешқадам чеварларидан биридир.

Ватан ичра мўъжаз — Ватан

Қўқон гузарлари таърифи узоққа кетган. Албатта, гузарлар фақатгина шу шаҳардагина мавжуд эмас. Бошқа шаҳарларда ҳам бор. Аммо Қўқон гузарларида озодалик, саришталик, шарқона одатлар асрлар оша сақланиб қолаётганлигидан лол қоласиз.

Яна бир жиҳат. Қўқон гузарлари замона зайлига бардош бериб, асрлар оша атамаларининг ўзига хослигини сақлаб келяпти. Чанкатлик, Ғиштли масжид, Шайхул-ислом, Ғиштқўприк, Вақфчорсу, Ғалабаққоллик, Ёғ бозори, Исфара, Дегрезлик, Қаймоқли, Давронбек, Офтобойим, Ғозиёғлик, Ирисқули, Ҳожибек, Шалдирамоқ...

Қўқон гузарлари агар таъбир жоиз бўлса, шаҳар ичидаги шаҳарчалардир. Гузарга чиқсангиз, хўжалигингиз учун истаган маҳсулотни харид қилишингиз мумкин. Гузарда нонвойхона, сартарошхона, турли дўконлар, мўъжазгина бозорча ва албатта чойхона мавжуд. Гузарда ҳар қандай муаммоингиз ҳал бўлади. Тўй қилмоқчимисиз? Гузарга чиқинг. Ҳурматли оқсоқоллар, мўйсафидлар бир зумда маслаҳатни пиширишади. Ташвиш тортманг, тўйингиз яхши ўтади. Тўй қилаётганга қуш ҳам қанот қоқиб ўтади, — деган қўқонча ибора бор. Бу дегани эл-юрт, маҳалла аҳли бор, улар қўлидан келадиган ёрдамини, хизматини аямайди, дегани. Янги қураётган уйингизнинг томини ёпишга қийналяпсизми? Гузарга чиқинг, элликбошига маслаҳат солинг. Мулзам бўлмайсиз. Эрталаб қўлидан иш келадиган ҳашарчиларни кутаверинг.

Қўқон гузарлари ҳамжиҳатлик, иноқлик, биродарлик маскани. Гузарлар ҳар қачонгидан гавжум. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан бу ерларда ҳар шанба, якшанба кунлари маърифий суҳбатлар ўтказиляпти. Бир пиёла чой устида дийдорлашув, олимлар ва фозиллар суҳбатидан баҳраманд бўлиб, мумтоз куй-қўшиқлардан эриб кетасиз. Дилингиз равшан тортади. Шу юртга, танти халқимизга, одоб билан қўл қовуштириб турган ёшларимизга меҳрингиз ошади. Мустақилликка етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтасиз.



Вилоятнинг нефть миноралари

Мамлакатимизда нефть мустақиллигини таъминлаш бўйича катта ишлар қилинди. Айниқса, Бухорода бунёд этилган катта завод бу борада улкан қадам бўлди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бир неча ўн йиллардан бери Фарғона республикамизнинг нефть кони бўлиб келган. Вилоят «Ўзнефтниқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳормай-толмай халқ хўжалигимизга кўплаб нефть маҳсулотлари етказиб бермоқда. Айниқса, мустақиллигимизнинг етти йил ичида бу ерда нефть маҳсулотларининг 15 дан ортиқ янги турлари яратилганлиги қувончлидир. Корхона ишбилармонлари томонидан яратилган «Ферсол» ва «Ферлита» деб номланган янги пластик ёғлар нафақат Ўзбекистонимизда, балки, бутун мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида маълум ва машҳур. Шу боис ҳам, унинг бозори доимо чаққон.

Қизил пахта истиқболлими?

Кўпинча ғаройиб навлар кутилмаган ҳолларда юзага чиқиб қолади. Фарғона туманидаги Фарғона жамоа хўжалиги ерларига 1992 йили Тошкент-6, Фарғона-3 навлари экилган эди. Хўжаликнинг Аввал қишлоғидаги Олимжон Жўраев деган бригада бошлиғи эса Самарқанддан ўзича қизиқиб, ҳавас қилиб олиб келган ипак пахта уруғидан ҳам озгинасини дала четига экиб қўйди. Шу турли навларнинг ўзаро чатишувими, ўша йили баҳорда экилган чигитлар ичидан бир дона ғаройиб — танаси ҳам, гули ҳам қип-қизил ғўза пайдо бўлди. Олимжон шу ғўза ҳосилини кузда ўзи териб олиб уруғини сақлади ва баҳорда пахта майдонига экди. 1995 йили 10 сотих жойга яна шу чигит уруғини қадади. Биринчи теримдаёқ сара уруғларни ажратиб 1996 йили 1,5 гектардан ортиқ майдонга экувдики, кузда ундан 7460 килограмм пахта олди.

Тажрибакор деҳқоннинг таъкидлашига қараганда қизил пахта эрта пишади. Ҳосилдорлиги юқори. Бунинг устига бу нав ҳашаротга чидамли экан.

Дастлабки хулосаларга қараганда қизил пахта IV-V типли тола беради, сувни кам талаб қилади. Гектаридан 45-50 центнер ҳосил олса бўлади. Август бошларидаёқ очилади. Бу йил Фарғона жамоа хўжалигида 40 гектар ерга қизил пахта экилган. Шунингдек Қўрғонтепа туманидаги «Савай» жамоа хўжалиги ҳам тажриба учун шу уруғдан экишган. Июнь ойида Президентимиз Ислом Каримов Андижон пахтачилик институти тажриба далаларида бўлишганда у кишига қизил пахта экилган майдонларни кўрсатишди. Шу навни топган О. Жўраевнинг айтишича, институт олимлари қизил пахта уруғини Фарғона жамоа хўжалигидан олиб кетишган.

Ҳа, ҳозирча олимларнинг аниқ хулосаларисиз бир нарса дейиш қийин. 30-йилларда сурхондарёлик Муслима исмли деҳқон аёл ҳам табиий чангланиш туфайли тасодифан рўёбга чиқиб қолган бир буғдой навини танлаб олиб кўпайтирган. Кейинча бу серҳосил нав «Муслимка» номи остида бутун дунёга машҳур бўлган. Ҳозирча қизил пахта нави устида ўзаро қарама-қарши фикрлар юрибди. Бу ғаройиб нав ҳақидаги охирги сўзни олимларимиз, мутахассисларимиз айтишар.

Саноат

«Полиамид — 6»— зарур маҳсулот

Фарғона деганда ҳамманинг кўз ўнгида мамлакатимизнинг улкан индустрияси намоён бўлади. Шаҳарнинг йирик корхоналаридан бири бўлмиш — кимёвий толалар заводида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш осонликча кечмади. Ҳар ерда бўлгани каби бу ерда ҳам ўзига хос қийинчилик ва муаммолар бошдан кечирилди. «Излаган имкон топади» деганларидек, жонкуярлар саъй-ҳаракати туфайли завод бирор марта тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, янгиликлар ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётир. Заводнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги натижаларини кўздан кечирар эканмиз, рақобатчилик ҳаракати кучайиб бораётгани туб сифат ўзгаришларига, шаҳарнинг иқтисодий салмоғига завод ўзининг улкан улушини қўшаётганининг гувоҳи бўламиз.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг июнь ойида корхонага ташрифи, у киши билдирган фикр-мулоҳазалар, йўл-йўриқлар биз учун дастуруламал бўлиб қолди. Бу ташриф қалбларимизни ифтиҳор ҳиссига тўлдирди, айни пайтда улкан масъулият юклади.

Кимёвий толалар заводида ҳам хориж технологияси асосида рақобатбардош, бозоргир маҳсулот ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Яқинда биринчи навбати ишга туширилаётган «Полиамид — 6» корхонасини мисол келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти соҳаларининг юқори сифатли экспортбоп кимё маҳсулотига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла ҳажмда таъминлаш мақсадида, заводимизда Германиянинг Хема-Бальке Дюрр фирмаси билан тузилган Ассалом А+Б битимига асосан «Полиамид — 6»ни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Янги корхонанинг тайёр маҳсулоти — корд газламасидан автомобиль ва қишлоқ хўжалик машиналари учун шиналар тайёрлаш пайтида каркас (устун) сифатида фойдаланилади.

Полиамид ипидан техник мақсадларга белгиланган газламаларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Шунингдек, у транспортер тасмаларини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. ПА-6 донадори (грануляти) эса турли техник буюмларни тайёрлашда хомашё сифатида ишлатилади.

Ассалом А+Б битимининг лойиҳа қиймати 102400 минг немис маркасини ташкил этади. Германиянинг «АКА-банк» банки томонидан ушбу лойиҳага сарфланган сармоя суммаси 87,040 минг немис маркасига тенг бўлиб, бу лойиҳа умумий қийматининг 85 фоизини ташкил этади. Айни кунларда буюртмачилар сони ҳам кўпайиб бораётир. Шу боис 125,360 минг немис маркаси миқдоридаги 15 фоизли тўлов ва 1 миллиард 50 миллион сўмни ташкил этган буюртмачиларнинг таъминотини ҳисобга олган ҳолда қурилиш-монтаж ишлар қиймати Ўзбекистон Республикаси томонидан киритилган.

Яқинлашиб келаётган юртимиз мустақиллигининг 7 йиллиги байрами арафасида янги корхонанинг ишга туширилиши барчани бирдек қувонтирди. Ишчиларга қулай шароит яратиш, уларни рағбатлантириш ва бошқа иқтисодий масалалар астасекин ўз ечимини топиб боряпти. Кутубхона, ошхона, дам олиш хоналари кимёгарлар хизматида. Бир сўз билан айтганда, ишларимиз босқичма-босқич амалга ошириляпти.

С. АБДУЛЛАЕВ,
завод директори

КОСМОДРОМ ТАГЗАМИНИ ҚУВАСОЙДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Ҳа, ажабланманг, Қозоғистондаги машҳур Бойқўнғир космодроми учиш майдонлари тагзаминини тайёрлашда «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган цементдан фойдаланилади. Чунки, Қувасой цементи ўзининг сифати, тоши, минерал таркиби, ўтта ғоят чидамлилиги билан дунёга маълум ва машҳурдир. Ўтган йили корхона маҳсулоти Мадриддаги халқаро сифат ва такомиллаштириш жамғармасининг йиллик мукофотига бежиз сазовор бўлгани йўқ. Энг ўтта чидамли цементни пишириб олиш учун у юзлаб даражадаги иссиқлик печларидан ўтказилади. Бундай печлар ичи эса махсус ўтта чидамли ғишт билан қопланади. Илгари бу ғиштлар Россиядан жарақ-жарақ валюта эвазига, минг-машаққат билан олиб келинарди. Корхонада «шундай ғиштларни ўзимизда тайёрласа бўлади-ку!» деган фикр чиқди. Ғоя тайёр, энди уни амалга ошириш қолди. Изланганга толе ёр: корхона энди ўзининг ўтта чидамли ғиштларини чиқара бошлади.

Тез орада 45 тонна ғишт тайёр бўлди. Россиядан келтирилган ғиштларнинг оғирлиги 8 кило бўлса, Қувасойники 10 кило, Россия ғиштининг мустаҳкамлиги 250 килограмм-сантиметрни ташкил этса, Қувасойники 326 килограмм-сантиметр, Россияники икки йилга чидаса, қувасойликларнинг уч йилга дош беради! Натижада ҳар йили ўтта чидамли ғиштта сарфланадиган 11 миллион доллар энди қувасойликларнинг ўз чўнтагида қолянти. Ҳа, тадбиркорлик қувасойликларнинг қонида бор, асли. Бугунга келиб бу жуда асқотянти.

Яқинда Болгария ва АҚШдаги йирик корхоналар ҳам Қувасой цементига харидор бўлишди. Ахир мол яхши бўлса, харидор ҳар қадамда деб бекорга айтишмаган!

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

Фан

Олимда... жиндек тадбиркор қони!

Бюджетдан ажратилган маблағлар олий ва ўрта махсус ўқув юртлари эҳтиёжини тўла қоплаяптими? Олимларнинг моддий аҳволи ночорми? Эҳтимол, фақат бюджетга кўз тикиб «Қачон давлат берса ейман» деб юрган баъзи ўқув, илм даргоҳларида шундайдир. Аммо, Фарғона политехника институтида олимларнинг ўртача маоши унчамунча «топармон»нинг даромадидан кам эмас. Нафақат, профессор-ўқитувчилар, техник ходимлар, балки талабаларнинг ҳам чўнтаги бут, руҳи баланд.

Институт корпуслари таъмирланяпти. Янги бинолар қуриляпти. Бу ерда халқаро-илмий симпозиумлар, назарий-амалий анжуманлар ўтказиляпти. Кафедралар, лабораторияларда қизғин илмий изланишлар кетяпти.

— Биз аввало олий мактаб олдида турган долзарб вазифаларни бажариш кўпроқ маблағ масаласига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, институтда тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиш, шу орқали қўшимча, бюджетдан тушадигандан ташқари пул топиш чора-тадбирлари белгиланди. Ҳатто «иқтисодиёт ва тадбиркорлик» бўйича махсус проректор лавозими жорий этдик, — дейди институт ректори, профессор Р. Тожиев.

Илгари институт ҳузурида кичик ўқув-ишлаб чиқариш босмахонаси бўлиб, ундан ўқув-лабораторияси сифатида фойдаланилар эди. Баъзан институт эҳтиёжлари учун айрим матбаа маҳсулотлари чоп этиларди, холос. Босмахона бюджет ҳисобидан, зарарга ишларди. Институт раҳбарияти саъй-ҳаракати билан банкдан кредит олиндида, босмахонага янги дастгоҳлар келтирилди, эскилари таъмирланди, цехлар кенгайтирилди. Кўп ўтмай 220 ишчи ўрнига эга бўлган, сифатли маҳсулот чиқарадиган замонавий матбаа корхонаси вужудга келди. Гапни қисқа қилсак, шу корхона 1998 йилнинг биринчи ярмида институтга салкам 14 миллион сўм фойда келтирди.

Олимлар бу билан чекланишмади. Институт ҳузурида электр маторлари таъмирлаш бўйича «Қувват» кичик корхонаси, саноат чиқиндиларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кичик корхонаси, кийимларни кимёвий тозалаш, тикувчилик, телевизор антеналари ишлаб чиқариш цехлари, компьютерда ишлашни ўргатиш бўйича пуллик ўқув ишлаб чиқариш маркази ва бошқа ишлаб чиқариш нуқталари барпо этилди. Уларнинг натижаси қалай? Рақамлар қуруқ, ҳиссиздай туюлади. Аммо, улар мағзини чақсангиз, илм аҳлининг тадбиркорларга ҳам амалий дарс бериши мумкинлигини сезасиз. Институт ҳисоб рақамига 1997 йили тадбиркорлик ишлари, хўжалик шартномалари асосида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда шартнома тўловлари ҳисобига 71 миллион сўм даромад келтирилди. Шу йилнинг олти ой мобайнида топилган даромад эса 32 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди.

Топилган маблағдан эса профессор-ўқитувчилар, хизматчи ходимларни рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси мақсадларида фойдаланилмоқда.

Шу йилнинг олти ойида профессор-ўқитувчи, ходим ва талабаларнинг ижтимоий муҳофазаси учун 4 миллион 300 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Ўқитувчилар ўз рейтинги даражасига қараб ойига 12-17 минг сўмга етказиб маош олмоқдалар.

Албатта, ўқув юртининг асосий вазифаси мустақил Ватанимиз учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бериш. Бюджетдан ташқари топилган маблағлар эвазига талабаларга турли стипендиялар, бошқа моддий ёрдамлар ташкил этилган.

Яқинда домла Р. Тожиев билан кўнгироқлашдик:

— Институт ҳудудидан минерал моддаларга бой шифобахш сув чиққан эди. Ўша сувни қадоқлайдиган янги корхона очиш ҳаракатидамиз, — деб қолди.

Ҳа, олимда ҳам жиндай тадбиркор қони бўлсин экан!





Қувасой цемент комбинатида

Иқтисодиёт уфқлари

Банк мижоз ҳузурига боради

Йил бошларида хизмат вазифаси билан «Қувасойцемент» корхонасида бўлгандик. Бош директор Х. Қосимов хонасида у билан молиявий масалалар куйиб-пишиб гаплашаётган кишини учратдик.

— Банкимиз бошқарувчиси, — дея таништирди директор.

— Ҳали ўз банкингиз ҳам борми? — дея ҳазил аралаш сўровдик директор жиддий оҳангда.

— Ҳа, корхонамиз ҳудудида банк мавжуд,— деди.

Маълум бўлишича, «Пахтабанк» Фарғона вилоят бошқармаси ташаббуси билан йирик корхоналар ҳузурида кичик банклар очила бошлаган. «Қувасойцемент»дагиси эса уларнинг қалдирғочи экан. Ҳозирда Файзиобод қишлоқ қурилиш комбинати, Фарғона туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудида ҳам шундай кичик банклар ишлаб турибди. Навбатда эса олтита шундай банк очилиш арафасида. Хўш, уларнинг нима афзаллиги бор?

Атиги бир ёки икки нафар ходим ишлайдиган бундай кичик банклар бирор йирик корхона ёки ёнма-ён жойлашган учтўрт корхонага хизмат қилади. Барча банк иши жараёнлари манфаатдор юридик шахс — корхонанинг айни ўзида амалга оширилади. Корхона раҳбарлари билан банк ўртасида энг яқин муносабатлар вужудга келади. Илгаригидек майдагина бир банк операциясини ўтказиш учун ҳам корхона раҳбари ёки ҳисобчининг энг ками 15-20 чақирим йўл босиб бориб банкнинг асосий идорасида сарғайиб ўтиришига ҳожат қолмайди. Энг муҳими, мижозда банкка нисбатан ишонч кучаяди. Банк нафақат мижоз хизматини бажарадиган идора, балки мижознинг ҳамкорига айланди.

— Банклар монополияси тугади, — дейди «Пахтабанк» вилоят бошқармаси бошқарувчиси узоқ йиллардан буён шу соҳада суяги қоттан, тажрибали банкир Расулжон Шаропов, — Мижоз учун рақобат кучайди. Бозор иқтисодининг энг муҳим кўринишларидан бири ҳам шу-да. Энди мижознинг иши бизга эмас, бизнинг ишимиз мижозга тушади. Шу боис улар билан алоқани мустаҳкамлашнинг янги йўлларини қидиришга тушдик. Бу борада анчагина ишлар ҳам қилинди. Учқўприкдаги «Хумо» тўқимачилик корхонаси, Бешариқ момиқ фабрикаси, «Қувасойпарранда» ва «Қувасойцемент» каби ўнлаб корхоналарга катта миқдорда кредитлар бердик. Улар ўзининг ижобий натижаларини беряпти. Умуман шу йилнинг олти ойи мобайнида 1 миллиард 429 миллион сўмлик кредит бердик.

«Пахтабанк» вилоят бошқармаси яна бир эътиборга лойиқ ташаббусни бошлади. У санацияга тушган хўжаликларда... кичик банклар очишга киришди. Ажабо, ўзини ўнглай олмаётган, молиявий касал қишлоқ хўжалик корхоналарида банк очишга не ҳожат!

— Биз нафақат санацияга тушган хўжаликда кичик банк очдик, балки шундай хўжаликларнинг ҳар бирига «Пахтабанк» вилоят бошқармасининг биттадан масъул ходимини биркитиб қўйдик. Улар санациядаги хўжаликнинг молиявий ҳолатини кунма-кун, соҳама-соҳа таҳлил этиб бориб, кичик банкларда улар учун очилган алоҳида ҳисоб рақамлари орқали маблағлар ҳаракатини зарур йўлга соладилар, оғир аҳволдан чиқиб кетиш жараёнида хўжалик раҳбарларига кўмак бердилар. Албатта, бундай хўжаликлар ўнгланиб, ривожланиш палласига чиқиб олсалар, бундан банк ҳам ютади, — дейди Р. Шаропов.

«Пахтабанк» корхоналар билан иқтисодий ҳамкорлик, бевосита уларнинг акцияларини сотиб олиш орқали кўмаклашув йўлини ҳам тутяпти. Масалан, банк яқинда лизинг йўли билан «Шўрсув» олтингугурт ишлаб чиқариш корхонасига 3 та «КамАЗ» юк автомобили сотиб олиб берди. Шу билан корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни иштирокчисига ҳам айланди. Бу эса ҳар икки тарафга ҳам фақат фойда келтиради. «Қувасойпарранда» ҳиссадорлик жамиятининг 5 миллион 25 минг сўмлик акциялари сотиб олинди. Йил якуни бўйича ушбу акцияларда мўмайгина даромад олиш кўзда тутилган.

Ҳа, мижоз кутиб ўтирмай, унинг ҳузурига бориш замон талаб эканлигини ушбу банк мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маънавият

Божхона ходими шеър ёдлаши шартми?

Ўтган йил ўрталарида Фарғона вилоят божхона бошқармасига Иброҳим Асқаров бошлиқ бўлиб келгач, ходимларни режали аттестациясидан ўтказиш бошланди. Фарғона вилоятида божхона ходими бўлиб ишлаш пухталик, ҳушёрлик, билимдонлик, жасорат тақозо этади.

Зеро, вилоят иккі қўшни давлат билан чегарадош ва бу давлатларга дашт, тоғ, дарё, чўл оралаб ўтадиган юзлаб айланма, назардан холи йўллар мавжуд. Божхона постларини четлаб ўтишга ҳаракат қиладиган пиҳини ёрган муғомбирлар худди шунақа йўлларни танлашади. Баъзан эса божхона постларида қуролли иғвогарликлар ҳам бўлиб туради...

Аттестация пайтида Иброҳим Раҳмонович ходимларнинг касбий малакасини синовдан ўтказар экан:

— Қайси шоирнинг шеъларини ёқтирасиз? — дея албатта сўрайди.

Касб юзасидан бериладиган саволларга пухта тайёргарлик кўриб келган ходим агар адабиётдан, санъатдан йироқ бўлса хиёл довдирайди. Китобни, шеърни севадиганлар эса ўз бошлиқларининг кутилмаган саволига жавобан машҳур шоирларимиз номларини келтиради.

— Хўш, қани, яхши кўрган шеъ-рингизни ўқингчи...

Баъзилар яхши кўрган шоири шеърини ўқийди. Баъзилар эса пешонасини тириштириб узуқ-юлуқ, битта-яримта ёдида қолган сатрларни айтишга уринади. Бирорта шеърни ёддан билмаган ходим эса салбий баҳо олади ва синов муддати билан ишда қолдирилади. Ана энди кўринг. Божхона постларида Э. Воҳидов, А. Орипов, А. Суюн, М. Али ва бошқа шоирларнинг қўлма-қўл бўлаётган шеърий тўпламларини... Ҳозир Фарғона вилояти божхона ходимлари орасида шеърни севмаган, ёддан шеър ўқимайдиган ходим йўқ деса ишонаверинг.

Кунлардан бир кун Иброҳим Раҳмонович вилоятдаги барча божхона ходимларини йиғди. Мажлис сўнггида:

— «Соҳибқирон Темур» спектакли ҳақида қандай фикрдасизлар? — дея сўраб қолди касбдошларидан. Ходимлардан бешўнтаси телевизорда кўришганини айтишди.

— Театрга бормайсизларми? — дея ажабланди бошлиқ. — Ахир, божхона ходими юксак даражада маданиятли инсон бўлиши керак. Маданиятли инсон эса театрсиз ҳаётни тасаввур этмайди.

Шу куни кечқурун вилоят театри биноси божхона ходимлари билан тўлди. Постда турганлардан ташқари барча ходимлар шу куни бола-чақалари билан театрга тушишган эди.

— Ростини айтайми, — деб қолди божхонада ишлайдиган танишларимдан бири, — умримда театрга тушмаган эдим. Жуда тантанавор, ажойиб, ёқимли бўлар экан театр. Мен эса уни кино залига ўхшатиб юрганман.

Ўшандан кейин божхона йиғилишларида янги спектакллар ҳақида ҳам гап кетадиган бўлиб қолди.

Иброҳим Раҳмонович обуна мавсуми охирида барча ходимларнинг қайси газеталарга обуна бўлганликлари ҳақидаги маълумотни келтиришларини сўрайди. Ходимлар ҳам бошлиқ худди шу нарсани аниқлашини сезганлар шекилли. Ҳар бири тўрт-беш нусха газета-журналга обуна бўлган экан.

— Божхона ходими ўз юртининг ватанпарвари. Юрт пар-воз-асининг эгаси. Агар лектуал салоҳиятли, о меҳр қўйган, унинг учун жонини фидо қилишга шай одам бўлмас экан, бундай ходимдан наф йўқ. Шеър билмаган, китоб ўқимаган, театрга тушмаган ходимнинг маънавий олами тор бўлади. Маънавий дунёси саёз, тор одам эса қорин, енгил даромад пайида ҳар қандай ишга қўл уришга шай одамдир. Шу боис ҳам биз малакаси юқори бўлсада, лекин маънавий қўлами саёз ходимлардан воз кечдик, — дейди кимё фанлари доктори, профессор, божхона хизмати полковниги И. Асқаров.

Хўш ходимлар маънавиятини ошириш билан шуғулланиш нима натижа берди дейишингиз мумкин. Биз саволингизга фақат фактлар билан жавоб қайтарамиз:

1996 йил давомида вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан вилоят маҳаллий бюджетига мусодара қилинган маҳсулотларни сотилишидан 3 миллион 997 минг сўм тушган эди. 1998 йилнинг беш ойида эса 7 миллион 923 минг сўм тушди. Агар 1996 йилда қоидабузарларга 363 минг сўм жарима солинган бўлса. 1998 йилнинг беш ойида эса 540 минг сўм жарима солинган ва ундирилган. 1996 йили вилоят божхона бошқармаси бўйича ҳаммаси бўлиб 12 та жиноят иши қўзғатилган эди. 1997 йилнинг дастлабки 8 ойида атиги 7 та жиноий иш қўзғатилган. 1998 йилнинг биринчи ярмидаёқ эса... 70 та жиноий иш қўзғатилди! Ҳисобини ўзингиз чиқариб олаверинг...



Гайритабиий ҳодиса

Бугунги Гўрўғли

Тилаб-тилаб олган фарзандини қабрга қўйиб келишгач, онанинг фарёди оламни тутди. Олдинги ўтган 6 нафар фарзандининг доғи ҳам мана шунда билинганди. Орадан 3 кун ўтгач она уйида аламга чидаб ўтиролмади. Хаёлида уни фарзанди чақираётгандек бўлаверди. Беихтиёр оёқлари қабристон томон тортди...

Ёлғиз оёқ йўл ёқасида жойлашган қабристонга кириб, онанинг бир дарди ўн бўлди. Чунки ўғлининг қабри очиқ эди! Бечора ўғлининг исмини айтиб чақира бошлади. Қабрга тушмоқчи бўлди. Аммо уни қаердандир етиб келган қабристон шайхи ушлаб қолди. У онага қабрдан икки кун олдин йиғи овози эшитилгани ва далада сув қуяётган сувчилар қабрни очиб, тирик болани олганликларини, у бола ҳозир қишлоқдаги сувчи кишининг уйида эканлигини айтди. Она ўша томон чопди. Югурганича бориб сувчиникида ўйнаб юрган ўғилчасини қучоқлади...

Бу воқеа бундан 57 йил аввал Олтиариқ туманидаги Бўрбонлиқ қишлоғида рўй берган эди. Она ўғлини ўша кундан бошлб Гўрўғли, деб атай бошлади.

Гўрўғли аканинг асли исми Тўхтасин, фамилияси Нишонов, айни кунда у 60 ёшдан ўтди. «Бўрбонлиқ» жамоа хўжалигида узоқ йиллар ҳайдовчи бўлиб ишлаган. 7 нафар фарзанди, 30 нафардан ортиқ набиралари бор. Уни қишлоқда ҳеч ким Тўхтасин ака демайди. Болаликдан Гўрўғли деб аталгани учун ҳамма шу исмга ўрганиб кетган.

Олтиариқликлар

Ҳали сахарҳез қушлар сайроғи авжига чиқмасдан, ҳали қуёш ётоғидан мўраламай туриб Олтиариқ қишлоқлари кўчаларини одамлар, автоуловлар товуши тутади. Эрталабдан кўчалар ёқасидаги қатор катта тарозулар атрофида сабзавот, бодринг, помидор, мева юкланган қоп ва яшчиклар уюмлари пайдо бўлади. Хонадонларда мол-хол қарови бошланади.

Ҳа, худди шундай. Май ойидан бошлаб Олтиариқ қишлоқларининг ҳар бир кўчасида ўзига хос мева-сабзавот қабул қилиш пунктлари иш бошлайди.

Олтиариқликлар ўн-ўн беш сотихли томорқаларида февраль ойидан бошлаб меҳнат қилиб, парваришлаб етиштирган бодринг-помидорни ишбилармонлар қўшни давлатларга сотиш учун олиб кетадилар. Ҳозирги пайтда Олтиариқ бодринги-ю, турпи, узуми, қўйингки, бу саховатли замин деҳқону боғбонлари етиштирган турли-туман мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари мамлакатимиз халқларинигина эмас, балки ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек кўплаб узоқ хориж давлатлари халқлари дастурхонларини ҳам безаб турибди. Олтиариқда ҳақиқий бободеҳқонлар, ердан минг машаққат билан ризқ насиба ундираётган заҳматкаш, танти, фидойи кишилар яшайди.

Олтиариқ аҳли неча йиллардан буён ўз томорқаларида бодринг етиштириб келадилар. Туманда йилига 25-30 минг тонна атрофида бодринг етиштирилиб, эл дастурхонига етказилади. Унинг машаққати кам эмас. Масалан, бу йил баҳорнинг серёғин, ҳароратнинг эса паст келиши натижасида иссиқхоналар, плёнка остига экилган бодрингларни парваришлаш учун қўшимча меҳнат ва маблағ сарфланди. Ахир, февраль ойида мўъжаз иссиқхонада қоғоз стаканларга ташланган уруғ март ўрталарида жўякка киради. Жўяк усти плёнка билан қопланади. Бодринг ниҳоли жуда нозик. Плёнка остидаги ҳарорат бирдан кучайиб кетса ёки пасайиб кетса ҳам қуриб қолиши мумкин. Шу боис плёнка остидаги ҳароратни доимо ўз маромида ушлаб туриш, плёнка тагида юриб чопиқ қилиш, бегона ўтларни юлиш, сув қуйиш керак. Шундай тадбиркор деҳқонлар борки, улар бир жўякнинг ўзида ҳам бодринг, ҳам қалампир ҳам... картошка етиштирадилар. Июнь ойидаёқ бир парча ердан уч хил ҳосил — бодринг, болгар қалампир ва картошка олинади. Май ўрталарида худди шу жўякларга экиб қўйилган макка ёки оқ жўхори августда пишиб етилади. Унинг дони, хашаги саранжомлангач, ерга маҳаллий ўғит солиб шудгор қилинади. Сўнг жўяк олиниб худди шу ерга турп ёки шолғом экадилар.

Ҳа, Олтиариқда бир йилда бир ердан уч ёки беш хил ҳосил олмаган деҳқонни деҳқон ҳисобламайдилар. Кўчадаги йўлка усти, уй айвони олдидаги озгина жойдан ҳам унумли фойдаланадилар. Бу ердаги ишкомлардан кузда сархил, олтиндай товланган, шакари тилни ёрадиган Олтиариқ узумлари етиштирилади. Томорқа атрофини ўраган девор тагларига эса шафтоли, ўрик, хурмо ва бошқа кўчатлар экилган. Улардан олинган мева ҳам Фарғона-ю Тошкент, Олмаотаю Москва бозорлари кўркини очади...

Шу йилнинг май-июнь ойларида туманда ҳар куни 80-100 тоннадан бодринг, 30-40 тоннадан бошқа турдаги сабзавот маҳсулотлари сотилган. Биринчи июндаги маълумотга қараганда Олтиариқ деҳқонлари 26 минг 647 тонна маҳсулот тайёрлаганлар. Шу ерда қизиқ бир фактни келтириб ўтиш жоиз. Маълумки, вилоятда 19 та шаҳар ва туман бор. Шу йилнинг беш ойи мобайнида вилоят бўйича тайёрланган сабзавот маҳсулотларининг 48,6 фоизи фақатгина Олтиариқ деҳқонлари далаларида тайёрланган! Қаранг, бошқа туманлар учун қанчалар катта имкониятлар майдони мавжудлигини кўрсатади бу ҳол. Ахир беш ой давомида Олтиариқда салкам 26 минг тонна сабзавот маҳсулоти сотилгани ҳолда Данғара туманида атиги 6 тонна сабзавот сотилган бўлса?! Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

Олтиариқ деҳқонлари меҳнат қилиб кам бўлишаётгани йўқ. Ўтган 1997 йилда олтиариқликлар фақат бодринг сотишнинг ўзидан 1 миллиард сўм даромад қилган эдилар. Бу эса туманда истиқомат қилувчи 28309 та оиланинг ҳар бирига ўртача 35 минг 324 сўмдан тўғри келади. Узум, шафтоли, турп, шолғомдан келадиган даромад, ойлик маошлар бундан истисно. Улар фақат томорқагагина қараб қолишмайди. Мана неча йилдирки пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчи-иккинчи ўринларда бажариб келишади. Ҳосилдорлик юқори. Яқинда эса дон тайёрлаш режасини ҳам вилоятда биринчи бўлиб бажаришди. Қандини уришсин олтиариқликлар!

Қўш саҳифа материалларини Саида ПУЛДОШЕВА ва Алишер ИБОДИНОВ тайёрладилар.

Навбат Тошкент вилоятига

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 6 avgust, payshanba № 92 (22.329).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Агар соғлом юрай десангиз...

Ёзда НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

Ёзнинг жазирама кунларида юртимизда мева ва полиз маҳсулотларининг кўпгина турлари пишиб етилади. Ўзи билан микроб ташувчи ҳашаротларнинг ривожланиш ҳолати айнан шу даврда кузатилади. Шу боисдан, ўткир ичак касалликлари тизимига кирувчи қорин тифи, паратифлар, ичбуруқ ва шунга ўхшаш юқумли касалликлардан сақланиш ўта муҳимдир.

Бундай дардларни оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган майда микроблар келтириб чиқаради. Микроблар гўшт, сут, мева ва полиз маҳсулотларида кўп учрайди. Шунинг учун оилавий гигиена қоидаларига риоя қилиш, болаларни ифлосланган маҳсулотларни тановвул қилишига ва ифлос сув ичишига йўл қўймаслик, хоналарни, айниқса, болалар ётоқларини тоза, покиза тутиш талаб этилади.

Муштарийларга тушунарлироқ бўлиши учун касаллик келтириб чиқарувчи манбанинг уч босқичини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз:

1. Одатда дарднинг енгил ва белгисиз тури билан оғриган беморлар тиббиёт кўригидан ўтиш учун шифокорга мурожаат қилмайдилар, натижада касаллик ташиб юрувчи манбага айланиб қолади.

2. Қаровсиз қолган озиқ-овқат, мева-чева, гўшт ва сут маҳсулотларида, пиёз, кўкатларда сақланиб қолган микроб ва вируслар организмда касаллик қўзғовчи омиллардан ҳисобланади.

3. Касалликка мойил бўлган организмда баъзи тан аъзолари қувват берувчи витаминларнинг етишмаслиги сабаб касалликка тез чалинувчан бўлади.

Ҳар уч ҳолатда ҳам шахсий гигиена қоидаларига кундалик режим асосида қаттиқ риоя қилиш тан саломатлиги учун мустаҳкам пойдевордир.

Ёз ойларида ёш болаларда кўнгил айнаш, қусиш ва ич кетиш каби ҳоллар кўп учрайди. Бундай беморларга керакли ёрдам кўрсатиш мақсадида барча тиббий муассасаларда махсус «даволаш марказлари» ташкил этилган. Бу марказларда бемор гўдагингизни «Глюкосалан» ёки «Регидрон» эритмаси билан 4-8 соат давомида даволаш билан бир қаторда у ерда сизни шу эритмадан қандай фойдаланиш мумкинлиги ўргатилади. «Глюкосалан» ёки «Регидрон» ёш беморни даволашда катта ёрдам беради. Эритмани беморга ҳар 3-5 минутда чой қошиғида ичириш лозим. Беморни уй шароитида «ўз билганча» даволаш, айниқса антибиотик ва турли дорилар ичириш касалликнинг ҳақиқий сабабини аниқлашга имкон бермайди ва бемор аҳволининг оғирлашишига олиб келади.

Ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишда кўпгина муаммолар аҳолининг ўзига ҳам боғлиқ. Ҳар бир киши касалликнинг қандай юқишини билиб, ўзини ва ўзига яқин кишиларни ўткир юқумли ичак касалликларидан ҳимоя қилиши мумкин. Бунинг учун организмга касаллик қўзғовчи микроблар-нинг тушмаслигига ҳаракат қилиш лозим. Дуч келган ва текширилмаган сувдан ичиш, кичик ва ифлосланган сув ҳавзаларида чўмилиш ярамайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини пашшалардан ҳимоя қилиш, овқат учун фақат сифатли маҳсулотлар ишлатиш тавсия этилади. Касалланган ёки «мажбуран» сўйилган ҳайвонларнинг сутини ёки гўштини истеъмол қилмаслик, овқат тайёрлаш ва қабул қилиш учун ишлатиладиган идиш ва буюмлар тоза тутилиши керак.

Боқижон МАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидимология бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Болалигим лўшолигим

Абдулғани ЖУМА олган суратлар

Нью-Йоркда байроғимиз кўтарилди

Спорт

Океан ортида ўтказилган «Яхши ният ўйинлари» чин маънодаги кичик олимпиада даражасига етди. Спортнинг ўнлаб турлари бўйича ўтказилувчи ҳамда ёшларни олимпиадаолди тайёргарлигини кўздан кечиришга имкон берувчи бундай баҳсларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. «Яхши ният ўйинлари» эса илк бор 1982 йили Москвада ўтказилган эди. Мустақил юртимиз бу галги мусобақада ўзининг икки вакили билан қатнашди. Халқаро мусобақаларда тажриба орттирган, муҳлисларга таниш Дилшод Ёрбеков билан Темур Тўлаков юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишди. Владимир Шиннинг бу шогирдлари ишончни астойдил оқлашга ҳаракат қилиб, Ватанларига қуруқ қайтмасликка интилишди. Дилшод мусобақанинг ярим финал босқичига кўтарилиб, бронза медали олган бўлса, Темур ҳал қилувчи баҳсда ғалабага эришиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Таомилга кўра, ғолиб шарафига мовий-яшил байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз садолари янгради. Ҳар иккала боксчимизнинг ютуғи спортнинг мазкур тури мамлакатимизда ривожланиб бораётганидан нишонадир.

Кўзгулар кўзгуси

Тўйхат ўрнида

Кундалик ҳаётимиз акс эттириладиган нашрлар — ҳаёт кўзгуси ҳисобланади. Турли газета-журналларда ҳаётимизнинг барча жабҳалари баҳоли қудрат ёритилаётир. Мамлакатимизда чоп этиладиган нашрлар орасида эса «Ўзбекистон матбуоти»нинг ўз ўрни бор. Яъни бу журнални мазмун-моҳиятига кўра — кўзгулар кўзгуси, дейиш мумкин. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, турли ёшдаги қаламкашлар, журналистлар, ишчи-деҳқон муҳбирлари, ҳаваскор ёшларнинг соҳа журнали ҳисобланмиш «Ўзбекистон матбуоти» саҳифаларида асосан газета-журналлар, ойнаижаҳон ва радио таҳририятлари фаолиятига кенг ўрин берилади.

Барча соҳаларда бўлгани каби таҳририятларда, босмахоналарда, студияларда, умуман, журналистлар фаолият кўрсатаётган жойларда ҳам озми-кўпми муаммолар учраб туради. Айниқса, туман ва шаҳар газеталари, кўпнусхали газеталар ёруғ юз кўришида талай муаммолар кўндаланг бўлиб келган. Бу — босмахоналар фаолияти, қоғоз, почта-алоқа ишлари билан боғлиқ муаммолардир. Шунингдек, ҳамма жойда ҳам маҳаллий журналистларга, муҳбирларга осон эмас. Уларга бўлган муносабатлар турличадир. Табиатан нозик дидли қаламкашларнинг орзу-умидлари, ўй-фикрлари, эзгу ниятларининг чеки-чегараси бўлмаса керак. Юрт, эл дарди ила ёниб яшайдилар қаламкаш аҳли. Бироқ, иқтисодий муаммолар билан боғлиқ «тўсиқ»лар туфайли маҳаллий газеталарни ўз вақтида чоп этишнинг имкони бўлмай қолаётир. Ўша муаммоларни дадил ёритадиган, шунга мутасадди кишилар эътиборини жалб қиладиган фидойи зарурку! «Ўзбекистон матбуоти» журнали ўз гарданига ана шундай масъулиятли вазифани олган.

Истиқлол нури юртимизни мунаввар этмоқда. Ҳаёт кўзгуси саналмиш газета-журналларимизда, радио-телевидениеда шукуҳли ҳаёт акс этаётир. Шунга монанд «Ўзбекистон матбуоти» ҳам бу нозик соҳани тийран ёритишда ўзига яраша яловбардор. Таъбир жоиз бўлса, катта-кичик қаламкашларнинг, журналистларнинг маслакдоши, ҳамфикр-маслаҳатгўйи.

Журналнинг доимий рукнларидан — «Муҳаррир минбари»да республика газетаси муҳарриридан тортиб туман ё бирор ташкилотнинг кўпнусхали нашрлар раҳбаригача «минбар» берилади. Шунингдек, «Миллий матбуотимиз тарихига бир назар», «Матбуот ва маҳаллий ҳокимият», «Матбуот ва бозор иқтисодиёти», «Матбуотимизнинг ўқилмаган саҳифалари», «Бугунги талаба — эртанги журналист», «Нашриёт — матбаачилик», «Телевидение — радио», «Матбуотимиз фидойилари», «Матбаамиз жонкуярлари» каби қатор рукнлар остида ҳам соҳамизга оид рангбаранг мавзулардаги мақолалар ёритилаётгани эътиборга моликдир.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ҳар бир журналист, қаламкаш учун ўзига хос дастуриламалдир. Энди уни матбуот ходимлари, ишчи-деҳқон ва ҳаваскор муҳбирлар оммаси орасида кенг тарғиб қилиш ҳам мазкур журналнинг асосий иш режаси бўлиб қолган.

Журналистика соҳасининг ўзи кашфиётлардан иборат. Қайсидир таҳририят энг истеъдодли қаламкашларни кашф этса, устоз журналистлар ҳам ўзларига яраша кашфиётлар қилишади. Ўзбек журналистикасининг отахонларидан бири, журнал бош муҳаррири Зиёд Есенбоев ёшлари қарийб тенгқур бўлган шу «Ўзбекистон матбуоти»-ни сўнгги йилларда чинакам «оёққа турғазди». Илгари турли номларда нашр этиб келинган журналга — «Ўзбекистон матбуоти» дея ном қўйган ва уни шунга яраша ўқишли, сермазмун чиқишида бош-қош бўлаётган Зиёд Исломович ўзига хос истеъдодини намойиш этаётир. Айни пайтда Абдуғани Абдуллаев, Ҳамид Султонов сингари иқтидорли журналистлар ҳам унга камарбастадир. Устоз сиймосида истиқлол фарзандлари каби ёшлик ғурури акс этиб турибди. Демакки, саксон ёшида саккиз яшар боладек «чопқиллаётган» журналимиздан ҳали кўп эзгу умидлар қилсак бўлади.

Тўлқин ЭШБЕК,
Юнус ЗИЁДХОН,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ўн саккиз минг олам

Денгиз тубининг мудҳиш «қироли»

Акула — мукаммал ривожланган уммон жониворларидан бири ҳисобланади. Унинг ҳаётга чидамлилиги нафақат оддий кишиларни, балки етук олимларни-да ҳайратда қолдиради. Бундай дейишимизга сабаб, сайёрамизда одамзот пайдо бўлишидан аввал денгиз байроқдори акула бўлганлигидир. Ўша замонлардан бери табиат, иқлим неча бор ўзгарди, натижада ҳайвонот олами ҳам қайта-қайта «янгиланди». Қайсидир бир турлари ер юзидан умуман қиririб кетди, бошқаси пайдо бўлди, қуруқлик сувликни сиқиб чиқди ва яна сувликка чўкди, бироқ акула яшаб қола билди.

Олимларнинг таъкидлашларича, акуланинг энг қадимги излари девон даври (палеозой эрасининг учинчи даври — 320-265 миллион йил аввал)га бориб тақаларкан. Қадимшуносларнинг топилмаларга асосланиб, энг қадимий акуланинг оғзини «тиклашди». Натижа ҳайрон қоларли бўлди: тишлар узунлиги 15 сантиметрдан бўлган акуланинг жағи, оғзи ва бўй-бастини энди тасаввур қилиб олаверинг — бўйининг узунлиги камида 25 метр бўлиши керак. Бундай улкан оғизга 6 киши бемалол сиғиб кетиши мумкин.

Акулалар кемирчакли (скелети тоғайли) балиқлар туркумига кириб, улар скелетида суяк тўқималари умуман бўлмайди. Шунинг учун улар уммоннинг энг тез сузувчи жонивори ҳисобланади. Олимлар акулаларнинг энг юқори тезлигини ҳали ҳануз аниқлашолмаган, аммо соатига ўртача 40 километр тезликда сузиши маълум.

Уларнинг ўртача узунлиги 14 метрни ташкил этгани ҳолда оғирлиги 13 тоннадир. Бироқ 18 тонналиклари борлиги ҳақида ҳам фактлар учрайди. Бундай акулалар торпедали катерни қувиб етиши ёйинки яхта ё траулерни думи билан бир урib ағдариши ҳеч гапмас. Шу билан баробарида Тинч океани тубларида митти акулалар ҳам яшайди. Уларнинг узунлиги атиги 7,5 сантиметрни ташкил этади холос.

Қизиғи шундаки, акулалар дунёга келгандан то ҳаётининг сўнгги кунигача фақат ҳаракатда бўлади. Негаки, уларнинг сузгич пуфаги йўқ, шунинг учун ҳаракатсиз туролмайди, агар ҳаракатни тўхтатса денгиз тубига тушиб кетади. Балиқларда эса сузгич пуфаги борлиги учун улар «дам олиш» пайтида ҳам денгиз остига чўкмай, сувда қалқиб тураверади. Олимларнинг тасдиқлашларича, фақат қумакула (денгизнинг қумлоқ жойларида яшовчи акула)ларгина ўзлари учун сузиш пуфагининг ўрнини босувчи «ихтиро яратишган»: улар кўп миқдорда ҳаво сўриб олади ва бу ҳавони ошқозонида сақлайди. Натижада балиқлардек сувда қалқиб тураверишi мумкин.

Акулаларнинг тишлари нафақат ўзга жонзотларни, балки одамзотни ҳам даҳшатга солади. Улар шунчалар текис ва бехато жойлашганки, бир хилларининг жағида минг ва ундан ортиқ тиш жойлашган бўлади.

Турган битгани мўъжизадан иборат акулалар терисининг сирти ғаройиб тангалар билан қопланганки, уларни ҳақиқий тиш дейсиз. Негаки, тангаларнинг усти эмал билан қопланган, ичида эса асаб толалари ва қон томирлар «виж-виж». Айрим баҳайбатларида тери тангалари шунчалар ўсиб кетадики, ҳатто овлаётганда гарпун (катта балиқ ва акулаларни овлашда отиладиган узун найза) ҳам санчилмайди.

Уларда ҳид билиш туйғуси ўта ривожланган бўлади. Нар акула модасини 3 километр масофаданоқ сезади. Таниқли зоолог А. Д. Хэзнер «биз ҳид билиш органи шунчалар ривожланган жонзотлар билан ҳамдавр яшаймизки, улар олдида фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари бўлмиш ўта сезгир асбоблар ҳам ип эшолмай қолади» деган эди. Улар ақл бовар қилмас даражада очофат ҳам. Буни шундай тушуниш мумкинки, улар металларни-да ютиб юборади. Хўш, шу металларни ошқозони хазм қилоладими? Ҳа, албатта, дейдиолимлар. Хлорид кислота улар ошқозон соки таркибининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун металл предметларни-да эритиб, хазм қилиб юборади. Шундай қизиқ факт ҳам кузатилганки, баҳайбат акула ошқозони ёрилганда отларнинг бош суяклари уч метр узунликда тизилиб ётганлигининг гувоҳи бўлинган. Ёки бошқа бириникида эса жуда яхши сақланган, бус-бутун, бир метр катталикдаги иккита дельфин чиққан. Қизиқ, дельфинларни нега хазм қилмади экан? Кейин маълум бўлишича, акула соҳилга яқин жойдаги «қўриқхона»да яшаган. Дельфинларга ташланган хўраклар билан озиқланиб юрган. Шу важдан дельфинларни заҳирада сақлаган.

Генри Беголоу ва Вильям Шредер 1948 йилги энциклопедик ишларида фанда акулаларнинг 225 тадан 250 тагача тури маълум эканлигини айтишади. Ўн йил ўтгач, акулаларга бағишланган илмий коференцияда уларнинг 350 та тури борлиги исботланади. 90-йилларга келиб эса ихтиологлар (балиқлар ҳақидаги фан билан шуғулланадиган кишилар) денгиз ва уммонларда яшовчи акулалар тури 500 га яқинлигини аниқлашди. Демак, денгиз ости тилсимотлари у ёқда турсин, ҳатто денгизнинг йирик жонзотларидан бири бўлмиш акулаларнинг қанчалиги ҳам ҳали «туб-туби»гача ўрганилмаган экан.

Оқ акулаларни одамхўр балиқ дея ҳисоблашади. Улардан биттаси ҳатто бутун бошли отни ҳам паққос туширишi мумкин. 1959 йили Кения балиқчилари қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлишган экан. Хорижий матбуотда ҳикоя қилинишича, сувсизликдан силласи қуриган фил сув топиш илинжида денгизга тушади ва анча наридаги оролчага қараб суза бошлайди. Бироқ шу топда оқ акулалар галаси филни бирпасда бўлакларга бўлиб, еб ташлашади.

Тўғри, оқ акулаларнинг одамхўрлиги ҳақидаги гаплар бир оз кўпиртирилган. Кўп акулалар одамга ҳужум қилади, қачонки, ўзини хавф остида сезса ёки одамни ўзининг емишига ўхшатиб адашса. Акс ҳолда инсонга ҳужум қилмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, акулаларнинг ҳужуми дунё бўйича йилига 50-70 тадан ошмайди. Шундан 10 га яқин ҳодиса инсон ўлими билан тугайди.

Дунё бўйича ҳар йили ўрта ҳисобда 100 миллион акула одамзот қўлида жон беради. Балиқчилар асосан энг мазали жойи — сузгичини (сузиш органи) кесиб оладилар-да, қолганини яна денгиз ё уммонга ташлаб юборишади. Кейинги йилларда Америкадаги ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш идоралари акулаларни ҳимоя қилиш бўйича чиқишлар қилиб, барчани бу ишга даъват этмоқда. Бу бекорга эмас. Негаки, 1983 йили олимлар томонидан улкан кашфиёт қилинди: акулаларнинг кемирчагида ракнинг олдини олувчи ва рак шишларини қайтарувчи модда борлиги аниқланди. Демак, бу мўъжизавий жонзотни муҳофаза этишга биз ҳам ўз улушимизни қўшсак оламни, борлиқни асраган бўламиз.

ЗУЛХУМОР тайёрлади.

«Ўзэлектркабелсавдо» очиқ турдаги акционерлик жамияти

Шуни маълум қиладики, 1998 йилнинг 10 сентябрь куни соат 14.00 да акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказади.

Кун тартибида қуйидаги масалалар кўрилади:

1. ***Бошқарув раисининг 1998 йил 1-ярим йиллигидаги акционерлик жамиятининг молия-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ва 1998 йилнинг II-ярим йиллиги учун белгиланган вазифалар тўғрисидаги ахбороти, кузатув кенгаши раисининг 1998 йилнинг I-ярим йиллигида бажарилган ишлар ҳақидаги ахбороти.***

2. ***Янги таҳрирдаги кузатув кенгаши, бошқарув ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом тасдиғи.***

3. ***Кузатув кенгаши янги аъзоларини сайлаш.***

4. ***Турли масалалар.***

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТАДИ:

■ **ҚОПЛАР** — зиғир, ип газлама, жут ва полипропилен материалларидан тикилган янги ва илгари фойдаланилган, 50-70 килограммлик;
■ **ЛЕНТА РУЛОНЛАРИ** — крафт қоғозидан, эни 4-7 см.;
2-5 кг. қадоқлаш пакетларини тайёрлайди, исталган маҳсулот номини туширишi мумкин.
■ **ҚЎЛҚОПЛАР** — уч қаватли, зиғир, жут материалидан тикилган, усти оқ бўз билан қопланган;
■ **ХЎЖАЛИК ХАЛТАЛАРИ;**
■ **ФЛЯГАЛАР** — илгари фойдаланилган, 40 литрлик, алюмин ва пластмассали;
■ **КАНИСТРАЛАР** — илгари фойдаланилган, 10-40 литрли, пластмассали;
■ **ШАКЛЛИ ЙЎЛКА ҚОПЛАМАЛАРИ** (плиткалар).
■ Нархлари бозорникидан арзон.
■ **ҚОПЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ** — зиғир, пропилен, жутдан тайёрланган ун ва крупадан бўшалган 50-70 кг;

Крафт-қоғоз (қоп учун)
СОТИБ ОЛАДИ.

Тўлов шакли — турлича.

❖Барча омбор операцияларини бажаради.
❖Омбор биносини ижарага беради.
❖Темир йўл шаҳобчаси бор.

Манзилгоҳ: Тошкент ш. М.Ашрафий кўчаси, 110-уй; (Автобуслар: 61, 22. Рисовый завод бекати). Тел: (3712) 93-40-71; факс: (3712) 93-35-15.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Муҳаммад» оилавий хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 68-98-73 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Муҳаммад» оилавий хусусий фирмасига тегишли бухгалтерия ҳужжатлари йўқолган. Кимда ким ушбу ҳужжатларни топиб олган бўлса, яхши мукофот эвазига қайтаришини сўраймиз.
Телефон: 68-98-73.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Одил Қаюм номли 131-таянч мактаби томонидан 1998 йил 15 июнда берилган OR-D № 453424 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси жамоаси қўмитанинг бош мутахассиси, физика-математика фанлари номзоди Ҳамид Холмедовга оналари
Хосият БОЗОРОВанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Саида ЙЎЛДОШЕВА*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи -дастурчи Бахтиёр Ҳамидов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.866 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0232

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 20.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА